**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**“САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ҚУРИЛИШ” ФАКУЛТЕТИ**

**«АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИ» КАФЕДРАСИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Саноат технологияси ва қурилиш”
факультети декани
________доц. Ж.Хамидов
“_____”_________ 2013 йил

# «Йўл ҳаракати қоидалари ва хавфсиз ҳаракатланиш асослари» фанидан бакалавр йўналиши талабаларига амалийм машғулотлар бўйича

# У С Л У Б И Й   Қ Ў Л Л А Н М А

**Жиззах- 2013 й.**

Ушбу услубий қўлланма «Транспорт воситаларини ишлатиш» ва Касб таълими (Транспорт воситаларини ишлатиш) йўналиши талабалари учун ишлаб чиқилган.

Ушбу услубий қўлланма «Автомобил йўллари» кафедрасининг умумий йиғилишида муҳокама қилинди ва тасдиқлашга тавсия қилинди:

Кафедра мажлиси баённомаси. №__ «____» ________2013 й

«АЙ» кафедраси мудири в.б.: Р.А.Абдурахманов

Ушбу услубий қўлланма факультет илмий-услубий кенгашида муҳокама қилинди ва тасдиқланди

Баённома №___ «___» _________2013 йил

Тузувчилар: катта ўқ. Р.А.Абдурахманович
ассистент Ғ.И.Мамаев

Тақризчи: доц. И.Ғ.Ганиев

## 1-МАВЗУ: *УМУМИЙ ҚОИДАЛАР. ҚОИДАЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА АТАМАЛАР. ҲАЙДОВЧИЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ. ЙТҲ СОДИР ЭТГАН ҲАЙДОВЧИЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ. ЙЎЛ БЕЛГИ ГУРУҲЛАРИ, УЛАРНИ ЙЎЛ КЎЧА ШАРОИТИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ.*

**1. Ишнинг мақсади**: ***Қоидаларда қўлланиладиган асосий тушунча ва атамалар. Ҳайдовчиларнинг мажбуриятлари. ЙТҲ содир этган ҳайдовчиларнинг мажбуриятлар бўйича талабаларда амалий тушунчаларини ҳосил қилиш учун турли ҳил машқларни амалди бажариш.***

**2. Умумий маълумотлар.**

Маълумки, умумий қоидалар бобида ЙҲҚларига оид умумий тушунчалар берилган. Улардан йўл харакати катнашчиларига юклатилган мажбуриятларни, яъни уларнинг ЙҲҚларини ўзларига тегишли бўлган қисмларини билишлари шартлигини ва уларга амал қилишларини мисол қилиб келтириш мумкин. Қоидада жами 45та асосий тушунча ва атамалар бўлиб, улар қоидани ўрганишда келтирилган таърифлари бўйича қабул килинади. Масалан: чорраҳа - йўлларни ўзаро кесишишидан, туташишидан ва айрилишидан ҳосил бўладиган майдондир.

Йўл-транспорт воситаларини ҳаракатланиши учун ажратилган ер минтақаси қатнов қисми, ажратувчи бўлак, тротуар ва йўл ёқасига ажратилади.

Қувиб ўтиш - транспорт воситасининг ўзи эгаллаган ҳаракатланиш бўлагидан чиқиб, олдиндаги транспорт воситасидан ўзиб кетиши.

Ҳайдовчиларнинг мажбуриятлари бобида ҳайдовчилар ўзлари билан олиб юришлари лозим бўлган ҳужжатларни билишлари ва олиб юришлари зарурлиги келтирилади. Бундан ташқари ҳайдовчилар, транспорт воситасининг техник созлигига жавобгарликларини ҳис қилишлари ва транспорт воситаси ҳаракати вақтида ҳам доимо назоратда тутишлари лозим.

ЙТҲ содир этган ҳайдовчиларнинг вазифалари бобида ҳайдовчилар йўл ттранспопт ҳодисалари содир бўлганда биринчи тиббий ёрдам беришлиги зарурлигини, жойдаги йўл транспорт ҳодисасига дахлдор нарсаларни ўзгартирмасдан дарҳол милицияга хабар беришликни, агар йўлни очиш зарурияти туғилса, гувоҳлар иштирокида, ҳодисага алоқадор нарса ва буюмларни ҳамда транспорт воситалари жойларини белгилаб, сўнгра йўлни очишлари мумкинлигини билишлари зарур. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳодиса жойидан кетиб қолмай милиғия ходимини кутиши зарур. Агар зарар унча катта бўлмаса ҳайдовчилар ҳодиса чизмасини ўзаро келишган ҳолда чизиб тасдиқлаш учун йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига келишлари мумкин.

**3. Назорат саволлари.**

**1. Ўзбекистон Республикаси йўлларида транспорт воситаларининг ҳаракатланиши қандай тартибда белгиланган?**

1. Ўнг тарафлама.
2. Чап тарафлама.
3. Чап ва ўнг тарафлама

**2. Ваколати бўлмаган жисмоний ва юридик шахслар томонидан йўл қопламасини бузиш мумкинми?**

1. Мумкин эмас.
2. Мумкин.
3. Ҳаракатни тартибга солиш мақсадида мумкин.

**3. Қоидаларни бузган шахслар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига биноан жавобгарликка тортиладими?**

1. Тортиладилар.
2. Тортилмайдилар.
3. Тортиладилар, агар ЙТҲ содир этилса.

**4. Белгиланган йўналишдаги транспорт воситаларига киради:**

1. Автобуслар ва йўналишли таксилар.
2. Трамвайлар ва троллейбуслар.
3. Белгиланган йўналишлар бўйича ҳаракатланадиган автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва йўналишли таксилар.

**5. Қувиб ўтиш нима?**

1. Эгаллаган ҳаракатланиш бўлагидан чиқиб олдинда кетаётган транспорт воситасидан ўзиб кетиш.
2. Қарама-қарши ҳаракат бўлагига чиқиш ва кейинчалик аввал эгалланган бўлакка қайтиши билан боғлиқ бўлиб, бир ёки бир нечта транспорт воситаларидан ўзиб кетиш.
3. Кам тезлик билан қўшни қаторда ҳаракатланаётган бир ёки бир нечта транспорт воситаларидан ўзиб кетиш.

**6. «Рухсат этилган тўла вазн» нима?**

1. Транпорт воситасининг юк кўтариши.
2. Транспорт воситасининг ҳақиқий вазни.
3. Ишлаб чиқарувчи корхона томонидан белгиланган, жиҳозланган транспорт воситасининг ҳайдовчи, йўловчи ва юк билан рухсат этилган энг юқори вазни (миқдори).
4. Транспорт воситасида ташиладиган юкнинг уни ишлаб чиқарган корхона йўл қўйган техник тавсифномаси сифатида белгиланадиган вазни.

**7. Қайси йўл асосий йўл ҳисобланади?**

1.Тупроқли йўлга нисбатан қопламли йўл ёки тегишли белгилар билан белгиланган йўл.
2. Уч томонлама чорраҳада туташиб келган йўлга нисбатан ҳар икки томонга давом этувчи йўл.
3. Ҳар бир йўналишда ҳаракатланиш учун бир бўлакли йўлга нисбатан кўп бўлакли қатнов қисми бўлган йўл.

**8. Ёнилғи қуйиш жойидан йўлга чиқиш чорраҳа ҳисобланадими?**

1. Ҳисобланмайди. 2. Ҳисобланади.

**9. «Етарли кўринмаслик» деганда нима тушунилади?**

1. Оқшомдан тонггача бўлган вақт.
2. Кўриниш 150 м. дан кам бўлган ҳолат.
3. Туман тушганда, ёмқир, қор ёғаётганда, ва ҳоказо шароитларда, шунингдек куннинг ғира-шира вақтида йўлнинг кўриниши 300 м. дан кам бўлганда ва ҳоказо шароитларда.
4. Ёмғир ва қор ёғиши, оқшом.

**10. Йўлда ҳаракатланишни «тартибга солиш» учун вакил қилинган шахсда нима бўлиши керак?**

1. Тегишли гувоҳнома ва таниқлик белгиси-қўл боғичи.
2. Жезл.
3. Қизил чироқ (ёруғлик қайтаргич) гардиш ёки байроқча.
4. Барча санаб ўтилганлар.

**11. Ким «йўл ҳаракати қатнашчиси» деб ҳисобланади?**

1. Йўл ҳаракати жараёнида транспорт ҳайдовчиси, йўловчи ва пиёда тариқасида бевосита иштирок этаётган шахс.
2. Йўлда бўлган ва унда иш бажармаётган ҳар қандай шахс.
3. Бирор бир транспорт воситасини бошқараётган шахс.

**12. Ҳайдовчи ҳаракатланишини бошлашдан олдин қандай амалларни бажариши керак?**

1. Транспорт воситасининг созлигини ва тўла жихозланганлигини текшириши.
2. Ҳаракатланиш бошланиши хавфсиз бўлишига ва ҳаракатнинг бошқа иштирокчиларига ҳалақит бермасликка ишонч ҳосил қилиши керак.
3. Тегишли йўналишдаги бурилишни ёруғлик кўрсаткичи билан ишора бериши.
4. Санаб ўтилган барча ҳаракатларни бажариши.

**13. Ҳайдовчи ўз ҳаракати йўналишидан қатъий назар кимнинг ихтиёрига транспорт воситасидан фойдаланишга имкон бериши зарур?**

1. Йўлдан фойдаланиш хизмати ходимларига.
2. Ҳаёти хавф остида қолган беморлар учун тиббиёт ходимларига.

**14. Ихтиёрига транспорт воситалари берилган ваколатномаси бўлган шахс ўзининг иштирокида транспорт воситасини бошқа шахсга бошқаришга топшириши мумкинми?**

1. Мумкин.
2. Мумкин эмас.
3. Бу шахсда мазкур тоифали транспорт воситасини бошқаришга ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлган тақдирда мумкин.

**15. Реакғия ва диққатни пасайтирувчи дори-дармонлар таъсирида бўлган ҳайдовчига транспорт воситаларини бошқаришга рухсат этиладими?**

1. Тақиқланади.
2. Рухсат этилади.

**16. Йўл-транспорт ҳодисасига даҳлдор бўлган ҳайдовчилар биринчи навбатда бажаришлари шарт:**

1. Ҳодиса содир бўлган жойда тўхташ, гувоҳларнинг исми-шарифини ва манзилгоҳини ёзиб олиш, ҳодиса ҳақида милиғияга хабар бериш, шикастланганларга шифокор келгунча тиббий ёрдам бериш учун чоралар кўриш.

2. Дарҳол тўхташ ва ҳодиса содир бўлган жойда қолиш, фалокат мажбурий тўхташ ёритгичини ёқиш ва фалокат сабабли тўхташ белгисини ўрнатиш.

3. Тўхташ ва ҳодисага тегишли изларни сақлаш, уларнинг атрофини тўсиб, ҳодиса содир бўлган жойни айланиб ўтишни ташкил этиш учун ҳамма мумкин бўлган чораларни кўриш, милиғияга хабар бериш, тиббий ёрдам бериш.

**17. Агар йўл-транспорт ҳодисаси натижасида ҳеч ким жабрланмаса, моддий зарар эса аҳамиятсиз бўлса, ҳайдовчиларнинг ўзлари ҳодиса рўй берган жойни тарк этиб, энг яқин ДЙҲХХнинг ёки милиғия идорасига ҳодисани қайд қилиш учун кела оладиларми?**

1. Кела олмайдилар. 2. Кела оладилар. 3. Ҳодисанинг тахминий чизмасини тузиб ва уни имзолаб кела оладилар.

## 2-МАВЗУ: *ЙЎЛ БЕЛГИ ГУРУҲЛАРИ. УЛАРНИНГ ЙЎЛ КЎЧА ШАРОИТИДА ҚЎЛЛАНИШИ.*

**1. Ишнинг мақсади**: ***Йўл белги гуруҳларининг кўча шароитида қўлланиши бўйича талабаларда амалий тушунчаларини ҳосил қилиш учун турли ҳил машқларни амалди бажариш.***

**2. Умумий маълумотлар.**

Йўл белгиларидан огоҳлантирувчи, имтиёзли ва тақиқловчи йўл белгиларини кўриб чиқамиз.

Маълумки, огоҳлантирувчи белгилар йўл ҳаракати қатнашчиларига йўлнинг ҳаракатланишда вазиятга қараб чора кўришни талаб қиладиган хавфли қисмларининг жойлашуви ҳамда уларнинг хусусиятлари тўғрисида маълумот бериш учун қўлланилади. Огоҳлантирувчи белгиларни ўрганишда қуйидагиларга аҳамият бериш зарур бўлади. Биринчи навбатда кўринишига эътибор бериш керак, яъни уларнинг асосий қисми тенг томонли учбурчак шаклида бўлишлиги, ҳошияси қизиллиги, фони оқ рангда, тасвири эса қора рангда бўлишига. Сўнгра аҳоли яшаш жойларидан ташқарида такрорланадиган 1.1, 1.2, 1.9, 1.10, 1.21 ва 1.23 олтита йўл белгиларини яхши эслаб қолишлари. Булардан ташқари огоҳлантирувчи белгиларни ўрнатилиш масофалари аҳоли яшайдиган жойларда 50-100 метр, аҳоли яшаш жойларидан ташқарида эса 150-300 метр эканлигини ва 7.1.1 қўшимча ахборот белгилари билан ҳам ўрнатилиши мумкинлигига аҳамият бериш зарур бўлади.

Имтиёз белгилари - чорраҳаларда, йўлнинг тор қисмларида ҳаракатланиш тартибини белгилаш учун қўлланилади. Имтиёз белгилари 9 та бўлиб, уларнинг кўринишларини аниқ эслаб қолиш талаб этилади, чунки бу гуруҳ белгилари бошқа гуруҳ белгиларидан ташкил этилганлиги сабабли кўриниши тенг томонли

учбурчак, доира, тўртбурчак, кўпбурчак шаклларига эга. Имтиёз белгилари бевосита ўша жойнинг ўзига ўрнатилади.

Тақиқловчи белгилар - йўл ҳаракатига маълум чекланишлар киритиш ёки уларни бекор қилиш учун қўлланилади. Тақиқловчи белгиларнинг асосий қисмининг кўриниши доира шаклида бўлиб, ҳошияси қизил, фони оқ ва кўк рангда, тасвири эса қора рангда ва тақиқловчи тасвир қизил рангда берилган бўлади.

Тақиқловчи белгиларда белгиларни таъсир доирасини ҳамда белгиларнинг кимларга дахлдорлигини аниқ билиб олиш зарур бўлади. Масалан: 3.27 йўл белгисининг таъсир доираси биринчи навбатда кейинги чорраҳагача, сўнгра кейинги шу йўл белгисигача ёки 1.10 йўл белги чизиғи билан белгиланган жойгача ёки қўшимча ахборот белгилари билан белгиланган жойгача ва ҳоказо тартибда белгиланишини аниқ билиб олиш зарур бўлади.

**3. Назорат саволлари.**

## *ОГОҲЛАНТИРУВЧИ БЕЛГИЛАР*

**1. Бу йўл белгиси билдиради:**



1. Йўлнинг тротуар ёки пиёдалар йўлкаси бўлган қисмини.
2. Йўлнинг пиёдалар ўтиш жойи бўлган қисмини.

**2. Қайси белги йўлнинг хавфли бурилишига яқинлашаётганлиги хақида огоҳлантиради?**




**1. 2. 3. 4. 5.**

**3. Бу йўл белгиси огоҳлантиради, олдинда:**



1. Кўприк ёки сойда кечими бўлмаган сув тўсиқли йўл қисми борлигидан.
2. Сув тўсиқли йўл қисмида очиб қўйиладиган кўприк борлигидан.
3. Йўл анҳор ёқасига ёки бирон бир сув ҳавзасининг қирғоғига чиқиладиган жойи борлигидан.

**4. Бу йўл белгиси билдиради:**



1. Шлагбаум билан жиҳозланмаган бир изли темир йўл кесишмасини.
2. Шлагбаум билан жиҳозланган бир изли темир йўл кесишмасини.
3. Шлагбаум билан жиҳозланган икки ва ундан кўп изли темир йўл кесишмасини.

**5. Белгилардан қайси бири бевосита йўлнинг хавфли қисми олдига ўрнатилади?**




**1. 2. 3. 4. 5.**

**6. Қайси белги шлагбаумли темир йўл кесишмасига яқинлашганлик ҳақида огоҳлантиради?**




**1. 2. 3. 4. 5.**

## *ИМТИЁЗ БЕЛГИЛАРИ*

**1. Бу белги нимани билдиради?**



1. Рўпарадан келаётган транспот воситаларига нисбатан биринчи ўтиш ҳуқуқини  беради.
2. Ҳайдовчи рўпарадан ҳаракатланаётган транспорт воситасига йўл бериши керак.
3.Бир томонлама ҳаракатли йўл қисмининг тамом бўлганлигини билдиради.

**2. Қайси белги кесиб ўтилаётган йўлдан ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл беришни юклайди?**




**1.** **2.**

**3. Чорраҳа олдида бу белги ўрнатилган бўлса, ҳайдовчи қандай йўл тутиши керак?**




1. Кесишадиган йўлда транспорт воситалари бўлмаса чорраҳадан тўхтамай ўтиши.
2. Чорраҳадан ўтишда айниқса хушёр бўлиш.
3. Кесишадиган йўл бўйлаб ҳаракатланаётган траспорт воситаларига йўл бериш учун тўхташ чизиғида тўхтаб, у йўк бўлса кесиб ўтиладиган қатнов қисмининг четида тўхташи.

**4. Қайси транспорт воситасининг ҳайдовчиси йўл бериши керак?**



1. Трактор ҳайдовчиси.
2. Автобус ҳайдовчиси.

## *ТАҚИҚЛОВЧИ БЕЛГИЛАР*

**1. Қайси белги узунлик ўлчами белгида кўрсатилгандан узун бўлган транспорт воситаларининг ҳаракатланишини тақиқлайди?**




1.  2.  3.  4.  5.

**2. Қайси белги ҳафтанинг жуфт кунларида тўхтаб туришни тақиқлайди?**




1.
2.
3.
4.
5.

**3. Автомобил ҳаракатининг барча рухсат этилган йўналишлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**



1. Фақат чапга.
2. Фақат тўғрига.
3. Фақат ўнгга.
4. Чапга ва ўнгга.
5. Барча йўналишларда.

**4. Ушбу белги таъсири доирасида автобус ҳайдовчиси кувиб ўтиши мумкинми?**



1. Кувиб ўтиш қоидаларига риоя килиб барча ҳолларда мумкин.
2. Мумкин эмас.
3. Агар қувиб ўтилаётган траспорт воситалари соатига 40 км дан кам тезликда ҳаракат қилаётган бўлсагина мумкин.

## 5. Агар йўлда ушбу белги ўрнатилган бўлса автомобилни шатакка олишга рухсат этиладими?



1. Фақат енгил автомобилларга рухсат этилади.
3 .Каттиқ тиркагичда рухсат этилади.
4. Тақиқланади.
5. Хар қандай тиркагичда рухсат этилади.

## 6. Бу белги таъсири доирасида қайси транспорт воситаларида қувиб ўтиш тақиқланади?



1. Ҳаммасида.
2. Ҳаммасини 40км/соат дан кам тезликда якка ҳаракат қилаётганларидан ташқари.
3. Енгил автомобиллар, мотоғикллар ва тўла вазни 3,5 т дан кам бўлган юк автомобилларида.
4. Тўла вазни 3,5 т дан кўп бўлган юк автомобилларида.

**7. Бу белги таъсири доирасида қайси юк автомобили ҳаракатни давом эттириши мумкин?**




1. 8 т. гача юк ортган автомобил.
2. 8 т. юк кўтариш қобилятига эга бўлган бўш автомобил.
3. Рухсат этилган тўла вазни 8 т дан ортиқ бўлмаган автомобил.

## 8. Қайси белгида тўхташ шарт?




1.
2.
3.
4.
5.

## 9. Бу йўл белгиси:



1. Икки ғилдиракли аравачасиз мотоғиклллардан ташқари ҳамма механик транспорт воситаларининг ҳаракатланишини тақиқлайди.
2. Ғилдиракли тракторлардан ташқари ҳамма транспорт воситаларининг ҳаракатланишини тақиқлайди.
3. Тракторлар ўзи юрар машиналарнинг ҳаракатланиши тақиқлайди.

**10. Ушбу йўл белгиси ҳаракатланишни тақиқлайди:**



1. Барча механик транспорт воситаларига.
2. Фақат юк автомобилларига.
3. Барча автомобилларга.

Йўл белгиларидан буюрувчи, ахборот-ишора, сервис ва қўшимча ахборот белгиларини кўриб чиқамиз.

Маълумки, буюрувчи белгилар транспорт воситаларига кўрсатилган йўналишда ёки фақат маълум йўналишларда ҳаракатланишлари лозимлигини буюради. Буюрувчи белгиларни ҳам шу гуруҳга хос кўринишини, яъни доирасимон ва кўк фонлигини, белгиларнинг ўрнатилиш жойларини, уларни ҳам дахлдорликларини аниқ билиб олиш, эслаб қолиш зарур бўлади.

Ахборот ишора белгилари ҳаракат қатнашчиларига йўлдаги ҳаракат тартиби хусусиятлари ҳамда аҳоли яшайдиган жойлар ва манзилларнинг жойлашуви ҳақида маълумот бериш учун қўлланилади.

Ахборот - ишора белгиларини ҳам шу гуруҳга хос тўғри тўртбурчак шаклида, фони кўк, яшил, оқ ҳамда сариқ эканлиги ва нима учун бундай фонларда берилиши маъноларини аниқ билиб олиш зарур бўлади. Кўк фонли ахборот ишора белгилари асосан, шу гуруҳга хослигини билдиради. Яшил фонлиги эса автомагистралларга ўрнатилади, оқ фонли ахборот ишора белгилари бевосита аҳоли яшаш жойининг ичидалигини билдиради. Сариқ фонли ахборот-ишора белгилари эса таъмирлаш ишлари кетаётган жойларга ўрнатилади.

Сервис белгилари ўз номининг мазмунидан келиб чиқиб, улар транспорт воситалари, йўловчилар ва ҳайдовчиларга хизмат кўрсатиш жойлари ҳақида маълумот бериш учун қўлланилади.

Ахборот ишора белгиларининг кўриниши ва номларини билиб олиш зарур бўлади.

Қўшимча ахборот белгилари улар билан биргаликда қўлланилган белгиларга аниқлик киритиш ёки уларнинг таъсирини чеклаш учун қўлланилади. Қўшимча ахборот белгилари тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, фони оқ, тасвири қора рангда берилган бўлади. Буни ҳам аниқ эслаб қолиш талаб этилади. Бу белгилар асосий белгиларнинг остида келади.

## *БУЮРУВЧИ БЕЛГИЛАР*

**1. Қайси белги «Тўсиқни чапдан четлаб ўтиш» деб аталади?**




1.
2.
3.
4.
5.

**2. Бу йўл белгиси:**




1. Фақат кўрсатилган ёки ундан юқори тезликда ҳаракатланишга рухсат беради.
2. Белгида кўрсатилгандан ортиқ тезликдаги ҳаракатни тақиқлайди.
3. Йўлнинг шу қисмида тавсия этилган ҳаракатланиш тезлигини кўрсатади.

**3. Ҳайдовчи қайси расмда қоидалар талабларини бузмай туб маневр қилади?**



1.
2.
3.

**4. Бу белгида ҳаракатланиш рухсат этилади:**



1. Фақат автомобил ҳайдовчисига.
2. Фақат автомобил ва мотоғикл ҳайдовчиларига.
3. Кўрсатилган барча транспорт воситаларининг ҳайдовчиларига.
4. Фақат автомобил ва автобус ҳайдовчиларига.

**5. Бу чорраҳада чапга бурилишга рухсат этиладими?**



1. Рухсат этилади.
2. Тақиқланади.

**6. Белгиларнинг тақсири қайси транспорт воситаларига тадбиқ этилади?**



1. Фақат енгил автомобилларга.
2. Енгил автомобилларга ва мотоғиклларга.
2. Енгил автомобилларга ва рухсат этилаган тўла вазни 3,5 т дан кам ёки тенг бўлган юк автомобилларига.

## *АХБОРОТ-ИШОРА БЕЛГИЛАРИ*

**1. Бу белгиларнинг қайси бири «Бир томонлама ҳаракатланиш йўлига чиқиш»ни билдиради?**




1.
2.
3.
4.
5.

**2. Бу белги автомобилнинг ҳаракатланишига рухсат этади.**



1. Барча йўналишларига.
2. В ва Б
3. А ва Б

**3. Бу белги нимани билдиради?**



1. Тўла вазни 3,5 дан ортиқ бўлган юк автомобилларининг мажбурий ҳаракат йўналишини.
2. Фақат юк автомобиллари учун ҳаракат йўналишини.
3. Юк автомобиллари, тракторлар, ўзиюрар машиналар учун, агар чорраҳада уларнинг ҳаракати йўналишидан бирида тақиқланган бўлса, тавсия этиладиган ҳаракат йўналишини.
4. Шахарлараро юк ташувчи юк автомобилларининг ҳаракат йўналишини.

**4. Бу белги ўрнатилган йўлда автобусларга ҳаракатланиш рухсат этиладими?**



1. Рухсат этилган тўла вазни 3,5 т дан ортиқ бўлмаган автомобилга рухсат этилади.
2. Тақиқланади.
3. Рухсат этилади.

**5. Қайси белги йўлнинг бир томонлама ҳаракатланиш йўл қисмини кўрсатади?**




1.
2.
3.
4.
5.

**6. Қайси белги йўл масофасининг бошини ёки охирини билдиради?**




1.
2.
3.
4.
5.

## *СЕРВИС БЕЛГИЛАРИ.*

**1. Қайси белги «Меҳмонхона» ёки «мотел»ни билдиради?**




1
2
3
4
5

## *ҚЎШИМЧА АХБОРОТ БЕЛГИЛАРИ.*

**1. Белги остидаги кўрсаткич нимани билдиради?**




1. Белгидан биринчи бурилишнинг бошланишигача бўлган масофани.
2. Биринчи бурилишдан иккинчи бурилишнинг бошланишигача бўлган масофани.
3. Йўлнинг хавфли бурилишлар бўлган қисмининг узунлигини

**2. Белги тагидаги қўшимча белги нимани билдиради?**




1. Белгидан унинг амал қилиш ҳудудигача бўлган оралиқни.
2. Тақиқловчи белги амал қилиш ҳудудини.

**3. Қайси қўшимча ахборот белгиси транспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойига қўйиш усулини кўрсатади?**




1. 2. 3. 4. 5.

**4. Қуйидаги белги тагидаги қўшимча аҳборот белгиси ҳайдовчига нима ҳақида хабар беради?**




1. Тўхтаб туриш пайтида юргизгични ўчириш тақиқланади.
2. Тўхтаб туриш фақат юргизгич ишламаётганда мумкин.

## 3-МАВЗУ: *ЙЎЛ БЕЛГИ ЧИЗИҚЛАРИ. УЛАРНИНГ ЙЎЛ КЎЧА ШАРОИТИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ.*

**1. Ишнинг мақсади**: ***Йўл белги чизиқларининг кўча шароитида қўлланишии бўйича талабаларда амалий тушунчаларини ҳосил қилиш учун турли ҳил машқларни амалди бажариш.***

**2. Умумий маълумотлар.**

Маълумки, йўл белги чизиқлари ётиқ ва тик чизиқларга бўлинади.Ётиқ чизиқлар асосан ҳаракатланиш тартибини белгилайди. Ётиқ чизиқлар кўриниши, яъни ранги бўйича оқ ва сариқ рангда бўлади. Оқ рангли ётиқ чизиқларнинг ўзи узлуксиз, узуқ-узуқ, ёзувлар ва рақамлар куринишидан иборат бўлиб, улар бир биридан ўлчамлари билан фарқ қилади. Сариқ рангли ётиқ чизиқлар уч хил бўлади: узлуксиз, узиқ-узиқ ва зигзаг шаклида. Буларнинг ҳам чизилиш жойларини, уларнинг аҳамиятини аниқ билиб олиш талаб этилади.

Тик чизиқлар оқ ва қора рангда бўлиб, улар йўл иншоотлари ва жиҳозларда уларнинг ўлчамларини кўрсатиш, кўз билан чамалаш воситасида хизмат қилади. Уларнинг ҳам чизилиш жойларини аниқ эслаб қолиш талаб этилади.

**3. Назорат саволлари.**

**1. Ҳайдовчига кўрсатилган йўналиш бўйича ҳаракатланиб, манёврлар бажаришга рухсат берилганми?**




1. А бўйича рухсат этилган.
2. Б бўйича рухсат этилган.
3. Иккови бўйича ҳам рухсат этилган.

**2. Ҳайдовчига транспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойлари чегарасини билдирадиган узлуксиз чизиқни кесиб ўтишга рухсат бериладими?**



1. Тўхташ учун рухсат берилади.
2.Тақиқланади.
3.Кириш ва чиқиш учун рухсат берилади.
4.Ҳамма холларда рухсат берилади, агар тўхтаб туриш жойида бошқа транспорт воситалари йўк бўлса.

**3. Қарама-қарши йўналишдаги транспортлар оқими иккита сидирға чизиқлар билан ажратилган йўл нечта ҳаракатланиш бўлагига эга?**



1. Иккита.
2. Иккита ёки учта.
3. Учта.
4. Тўртта ва ундан кўп.

**4. Ётиқ чизиқнинг узлуксиз сариқ чизиғи нимани билдиради?**



1. Транспорт воситаларининг тўхташи тақиқланган жойни.
2. Белгиланган йўналишли транспорт воситалари ва такси тўхтатишга рухсат берилган жойни.
3. Транспорт воситаларининг тўхтаб туриши тақиқланган жойни.

**5. Қайси йўналишларда ҳаракатланиш рухсат этилади?**




1. А йўналишида.
2. В йўналишида.
3. С йўналишида
4. А ва В йўналишларида.
5. В ва С йўналишида

**6. Қатнов қисмидаги бундай йўналтиргичлар нимани билдиради?**




1. Ҳайдовчини йўлнинг хавфли қисмига яқинлашаётганлиги ҳақида огоҳлантиради.
2. Қатнов қисмининг торайишига яқинлашаётганлиги ҳақида огоҳлантиради.
3. Йўлнинг хавфли бурилиш йўналишини кўрсатади.

**7. Бу ётиқ чизиқлардан қайси бири белгиланган йўналишдаги транспорт воситаларининг тўхташ жойини билдиради?**




1. А
2. В
3. Б
4. А ва В
5. В ва Б

**8. Реверсив ҳаракат бўлаклари чегараларини қайси чизиқ белгилайди?**




1. 1-чизик.
2. 2-чизик.
3. 3-чизик.
4. 2-ва 3-чизик.
5. 3-4-чизик.

## *ТИК ЧИЗИҚЛАР*

**1. Бу йўл чизиғи нимани билдиради:**



1. Йўлларнинг ости-устидаги қисмини.
2. Ҳаракатланиш тезлиги 40 км/соат гача чекланган қисмини.
3. Йўл иншоотларининг ҳаракатдаги транспорт воситаларига хавф туғдирадиган тик бўлакларини.

**2. Бу тик йўл чизиғи нимани билдиради?**



1. Йўлнинг хавфли жойларидаги ҳаракатланиш бўлаги чегарасини.
2. Йўлнинг кичик радиусли бурилишларида йўл четидаги тўсиқларнинг ён юзларини.
3. Ҳавфли йўл қисмларида бордюрларни.
4. Йўналтирувчи устунчалар, бетон ёки темир-бетон устунчалар, тўсиқ устинчалари ва шунга ўхшашларни.

## 4-МАВЗУ: *ПИЁДАЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ. ЙЎЛОВЧИЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ. МАХСУС ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИМТИЁЗИ. СВЕТОФОР ВА ТАРТИБГА СОЛУВЧИНИНГ ИШОРАЛАРИ.*

**1. Ишнинг мақсади**: ***Пиёда ва йўловчилар вазифалари, автоматик бошқарув бўйича талабаларда амалий тушунчаларини ҳосил қилиш учун турли ҳил машқларни амалди бажариш.***

**2. Умумий маълумотлар.**

Йўл ҳаракати қоидаларида келтирилган пиёдаларнинг вазифаларини барча ҳайдовчи ва пиёдалар яхши билишлари зарур бўлиб, пиёдалар унга қатъий риоя қилсалар йўлларда ЙТҲ нинг олди олиниб, ҳайдовчилар ҳам катнов қисмида ишончли хавфсиз юраоладилар. Чунки пиёдалар томонидан қоидабузарликлар жуда кўплаб содир этилиб, уларнинг жабрини кўп ҳолларда ҳайдовчилар кўрадилар. Йўловчилар ҳам қоида талаблари асосида ҳайдовчиларни чалғитмасалар, транспорт воситаларини белгиланган жойда кутиб, унга чиқиб-тушсалар мақсадга мувофиқ бўлади. Йўл ҳаракати қатнашчилари махсус транспорт воситаларининг имтиёзларини аниқ билишлари, уларга амал қилишлари зарур ҳамда махсус транспорт воситаларидаги чироқ маёқчаларининг фарқларини ажрата билишлари зарур. Ҳайдовчилар светофор турларини, уларнинг ишораларини мазмунан жуда яхши билишлари зарур ва уларга амал қилишлари талаб этилади. Бундан ташқари тартибга солувчи ким бўла олишлигини ва уларнинг ҳаракатни тартибга солишдаги ҳолатларининг мазмунини яхши билишлари шарт.

**3. Назорат саволлари.**

**1. Пиёдаларга йўлни пиёдалар ўтиш жойидан ташқарида кесиб ўтишга рухсат этиладими?**

1. Рухсат этилади.
2. Кўринадиган ораликда ўтиш жойи ёки чорраха бўлмаса, ажратувчи бўлаксиз ва тўсиқсиз йўлларда йўлнинг иккала томони яхши кўринадиган жойидан қатнов қисмининг четига нисбатан тўғри бурчак остида рухсат этилади.
3. Тақиқланади.

**2. Тротуар ёки пиёдалар йўлкаси бўлмаганда, пиёдалар велосипед йўлкаси бўйлаб ҳаракат қила оладиларми?**

1. Қила олади.
2. Агар велосипедларнинг ҳаракатланишини қийинлаштирмаса, қила олади.
3. Қила олмайди.
3. Аҳоли яшайдиган жойлардан ташқарида пиёдалар қандай юришлари керак?

**3. Йўл ёқасидан ёки қатнов қисмининг четидан ҳаракатланаётган транспорт воситаларига қарши.**

2. Йўл ёқасидан ёки қатнов қисмининг четидан транспорт воситаларининг ҳаракати бўйлаб.
3. Ҳар қандай йўналишда фақат йўл ёқасида.

**4. Қайси жавобда йўловчилар учун чиқиш ва тушиш майдончаси бўлмаган шароитдаги жойлар тўлиқ кўрсатилган?**

1.Қатнов қисми ёки тротуар томонидан.
2. Тротуар томонидан.
3. Йўл ёқасида ёки қатнов қисми томонидан.
4. Тротуарда ёки йўл ёқаси томонидан.

**5. Ҳайдовчи транспорт воситасини бошқараётганида йўловчилар уни чалғитишига рухсат этиладими?**

1.Рухсат этилади.
2. Белгиланган йўналишдаги транспорт воситаларида фақат бир марталик чипталар сотиб олиш учун рухсат этилади.
3. Тақиқланади.

**6. Қатнов қисми томонидан йўловчиларнинг тушиши ва чиқишига қайси ҳолларда рухсат этилади?**

1.Транспорт воситаси мажбурий тўхтаганда.
2. Ҳайдовчининг хоҳишига кўра шу шарт биланки, бу хавф-хатардан ҳоли бўлса ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига ҳалақит бермаса.
3. Тротуар томондан ёки йўл ёқасидан иложи бўлмаса шу шарт биланки бу хол хавф-ҳатарсиз бўлса ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига ҳалақит бермаса.

**7. Сарғиш рангли милтилловчи чироқ ёқилган ҳолатда ҳаракатланиш учун имтиёз бериладими?**

1.Ҳа. 2. Йўқ.

**8. Қайси транспорт воситасининг ҳайдовчиси биринчи навбатда ҳаракатланиш устунлигига эга?**



1. Йўл хизмати машинасининг ҳайдовчиси.
2. Енгил автомобил ҳайдовчиси.

**9. Ялтировчи кўк маёқча ва унга қўшимча махсус товушли ишораси ёқилган транспорт воситаси сизга яқинлашиб келмоқда. Сиз шундай транспорт воситасига қарши ҳаракатланаётган бўлсангиз, нима қилишингиз лозим?**

1.Ўнгга ўтиш ва саф охиридаги ялтировчи кўк маёқчаси ёқилган транспорт воситаси ўтиб кетгунча алоҳида эхтиёткорлик билан ҳаракатланиш.
2. Бу транспорт воситасидан тезроқ ажралиш учун тезликни ошириш.
3. Тротуар ёки йўл ёқасида тўхташ ва саф охиридаги ялтировчи кўк яшил маёқчаси ёқилган транспорт ўтиб кетгандан кейин ҳаракатни бошлаш.

**10. Навбат билан йилт-йилт этиб турувчи 2 та ьизил ёритгичлар ьуйидаги маънога эга:**



1. Ҳаракатни тақиқлайди.
2. Бошқа ҳайдовчиларга қатнов қисмига махсус ТВ ларининг ўтганидан хабар қилади.
3. Алоҳида эҳтиёткорлик билан ҳаракатланишга рухсат этилади.

**11. Ушбу светофор ишорасида ҳаракатланиш рухсат этилган:**



1. Фақат тўғрига.
2. Фақат ўнгга.
3. Фақат чапга
4. Барча йўналишларда.

**12. Ушбу светофор қаерда қўлланилади?**



1. Қатнов қисминнг бутун кенглиги бўйича.
2. Қатнов қисмидаги ыаракатланиш йўналиши карама-қарши томонга ўзгарадиган бўлаклар устида қўлланилади.
3. Фақат белгиланган йўналишдаги транспорт воситалари учун белгиланган бўлакларда.

**13. Қайси расмда ҳайдовчи тўғри бурилаяпти?**



1. Чапдаги расмда.
2. Ўнгдаги расмда.

**14. Мотоциклнинг ҳайдовчиси қандай холда чапга тўғри бурилади?**



1. Чорраҳага чиқди, юк автомобилини ўтказиб юборди, бурилишни тугаллади.
2. Чорраҳага чиқди ва тартибга солувчининг рухсат этувчи ишорасини кутиб, бурилишни тугаллади.
3. Тухташ чизигида тухтади ва тартибга солувчининг рухсат этувчи ишорасида тухтамай чапга бурилди.

**15. Ҳаракатланишга рухсат берилган:**



1. Фақат трамвайга.
2. Фақат автомобилга.
3. Автомобил ва трамвайга.

## 16. Ҳаракатланиш рухсат этилган



1. Мотоциклга.
2. Автомобил ва мотоциклга.

## 19. Қайси транспорт воситаси ҳайдовчиси тўғрига ҳаракатланиш ҳуқуқига эга?



1. Автобус ва мотоцикл ҳайдовчилари.
2. Енгил ва юк автомобиллари ҳайдовчилари.
4. Енгил автомобил ҳайдовчиси.

## 20. Ҳаракатланиш рухсат этилган:



1. Мотоциклга.
2. Автомобиллар ва мотоциклга.

### *5-МАВЗУ. ОГОҲЛАНТИРУВЧИ ВА ФАЛОКАТ ИШОРАЛАРИ, ФАЛОКАТ САБАБЛИ ТЎХТАШ БЕЛГИСИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ. ҲАРАКАТЛАНИШНИ БОШЛАШ, ЙЎНАЛИШНИ ЎЗГАРТИРИШ. ЙЎЛНИНГ ҚАТНОВ ҚИСМИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШИШИ.*

**1. Ишнинг мақсади**: ***Йўл белгилари ва ҳаракатланишни бошлаш йўналишни ўзгартириш ҳамда йўлнинг қатнов қисмида транспорт воситаларининг жойлашиши бўйича талабаларда амалий тушунчаларини ҳосил қилиш учун турли ҳил машқларни амалди бажариш.***

**2. Умумий маълумотлар.**

Ҳаракатланиш бошланишдан, қайта тизилишдан, бурилиш (қайрилиб олиш)дан ва тўхташдан олдин ҳайдовчи тегишли йўналишни билдирувчи бурилиш ёруғлик кўрсаткичи, улар бўлмаганда ёки бузуқ бўлганда эса, қўл билан ишоралар бериши шарт.

Чапга бурилиш (қайрилиб олиш)ни билдирувчи ишорага чап қўлни ёки тирсакдан тўғри бурчак остида букилган ўнг қўлни ёнга узатиш мос келади.

Ўнгга бурилишни билдирувчи ишорага ўнг қўлни ёки тирсакдан тўғри бурчак остида букилган чап қўлни ёнга узатиш мос келади.

Тўхтатиш ишораси чап ёки ўнг қўлни юқори кўтариб берилади.

Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, қайта тизилиш, бурилиш (қайрилиб олиш), йўналишини ўзгартириш ва тўхташдан олдин ўз ҳаракати билан бошқа транспорт воситаларига хавф солмаётганлигига ва тўсқинлик қилмаётганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Ёндош ҳудудлардан йўлга чиқаётган ҳайдовчи унда ҳаракатланаётган транспорт воситаларига ва пиёдаларга, шунингдек, ундан чиқишда ўзининг ҳаракат йўналишини кесиб ўтаётган пиёдалар ва велосипедчиларга йўл бериши керак.

**3. Назорат саволлари.**

**1. Огоҳлантириш ишорасини бериш ҳайдовчига биринчи ҳарактланиш ҳуқуқини берадими?**

1. Бермайди.
2. Манёврни тугатиш вақтида беради.
3. Манёврни бошлаш вақтида беради.
4. Ҳамма холларда беради.

**2. Ҳайдовчи ахоли яшайдиган жойдан ташқаридаги йўлда қувиб ўтилаётган ҳайдовчининг эътиборини жалб этиш учун фара чироқларини ўчириб ёқиш ва товуш ишораси беришни қўллаб тўғри қилдими?**

1. Нотўғри.
2. Тўғри.

**3. Қувиб ўтишда фараларнинг узоқни ёритувчи чироқларидан огоҳлантирувчи ишора сифатида фойдаланиш мумкинми?**

1.Ҳамма холда мумкин.
2.Мумкин, агар бу бошқа ҳайдовчиларнинг кўзини қамаштирмаса, шу жумладан орқани кўриш кўзгуси орқали ҳам.
3.Мумкин эмас.
4. Ахоли яшайдиган жойлардан ташқаридаги йўлларда мумкин.

**4. Ҳайдовчи манёврни бажаришда бурилиш кўрсаткичлари билан ёруғлик ишорасини хар доим бериши керакми?**

1. Хар доим бериш керак.
2. Керак эмас, агар ҳаракатланишининг бошқа қатнашчиларини чалғитиши мумкин бўлса.
3. Керак, зарурий эҳтиёт чораларини кўрган холда.

**5. Шатакка олинган механик транспорт воситасида қанақа ташқи ёритиш чироқлари ёқилган бўлиши керак?**

1. Куннинг қоронғу вақтида, габарит чироқлари.
2. Яқинни ёрутувчи фара чироқлари.
3. Фалокат ёруғлик ишоралари.

**6. Мажбурий тўхтаган ҳайдовчи қандай чоралар кўриши керак?**

1. Яқинни ёрутувчи фаралар ёки туманга қарши фараларини ёқиши керак.
2. Юргизгич капотини кўтариб қўйиши керак.
3. Мажбурий тўхтаганда фалокат ёруғлик ишоралари ёқиши, агар у йўқ ёки бузиқ бўлса, фалокат сабабли тўхташ белгиси ахоли яшайдиган жойларда транспорт воситасидан 15 метрдан, улардан ташқарида эса 30 метрдан кам бўлмаган масофасида ўрнатилиши керак.

**7. Қўл билан бериладиган огоҳлантирувчи ишора қоидага кўра қачон тугалланиши мумкин?**

1. Маневрни бевосита бажаришдан олдин.
2. Маневр тугагандан сўнг зудлик билан.
3. Маневр бажарилаётган вақтда.

**8. Манёвр вақтида ҳайдовчи хар доим огоҳлантирувчи ишора бериши керакми?**

1. Фақат агар унинг орқасида бошқа транспорт воситаси ҳаракатланаётган холда.
2. Фақат транспорт воситасини бурилишини кўрсатувчи чироқлар билан жиҳозланган холда.
3. Фақат серқатнов ҳаракатли йўлда.
4. Фақат у ҳаракатнинг бошқа иштирокчиларини чалғитмаган холда.

**9. Ҳайдовчи тўхташ олдидан огоҳлантирувчи ишора беришга қачон мажбур?**

1. Фақат шу холдаки, агар унинг орқасидан бошқа транспорт воситаси ҳаракат қилса.
2. Фақат ахоли яшайдиган жойларда.
3. Барча холларда.

**10. Қайта тизилиш олдидан огоҳлантирувчи ишора қачон берилиши керак?**

1. Бевосита манёврини бажаришни бошлаш олдидан.
2. Манёврни бажаришни бошлагандан сўнг зудлик билан.
3. Манёврни бажаришни бошламасдан аввал.

**11. Ахоли яшайдиган жойда «Фалокат» тўхташ белгиси ёки милтилловчи қизил чироқ механик транспорт воситаларидан (ён кажавасиз мотоғиклдан ташқари) камида қандай масофада қўйилиши керак?**

1.10 м. 2. 15 м. 3. 30 м. 4. 40 м.

**12. Фалокат ёруғлик ишоралари ёқилиши керак:**

1. Тўхташ тақиқланган жойларда мажбурий тўхтаганда.
2. Йўл-транспорт ҳодисаси рўй берганда.
3. Йўлнинг ёритилмаган қисмларида тўхтаганда ва тўхтаб турганда ёки кўриниш етарли бўлмаган шароитда габарит ёки тўхтаб туриш чироқлари носоз бўлганда.
4. Барча санаб ўтилган холларда.

**13. Тормозланиш бўлаги бўлган йўлда қайси транспорт воситасининг ҳайдовчиси бурилиш қоидасини бузди?**



1. Ҳар икки ҳайдовчи.
2. Енгил автомобилнинг ҳайдовчиси.
3. Ҳар икки ҳайдовчи тўғри бурилдилар.

**14. Автомобилларга қайси йўналишда ҳаракатланишга рухсат берилади?**



1. Енгил автомобилга тщцрига, юк автомобилга тўғрига ва чапга.
2. Фақат енгил ва юк автомобилга тўғрига.
3. Фақат енгил автомобилга тўғрига, юк автомобилга чапга.

**15. Қайси транспорт воситаларининг ҳайдовчилари йўлда тезланиш бўлаги бўлганда унга чиқиш қоидасини буздилар.**



1. Ҳар икки ҳайдовчи.
2. Ҳар икки ҳайдовчи тўғри чиқади.
3. Енгил автомобилнинг ҳайдовчиси.
4. Юк автомобилнинг ҳайдовчиси.

**16. Қизил автомобилнинг ҳайдовчисига трамвай йўли бўйича ҳаракатланишга рухсат этиладими?**



1.Рухсат этилади.
2. Тақиқланади.

**17. Чизиқлар билан бўлакларга ажратилган йўлнинг қатнов қисмида транспорт воситаларининг ҳаракатланиши қандай амалга оширилиши керак?**

1. Қатъий бўлаклар бўйича. Узуқ чизиқдан ўтишга фақат қайта тизилишда рухсат этилади.
2. Агар қатнов қисми транспорт воситаларидан холи бўлса, бўлак бўйича қатқий эмас.
3. Агар транспорт воситаларининг ўлчамлари энига катта бўлмаса, бўлак бўйича қатқий эмас.
4. Агар қатнов қисмида тиркамали автомобиллар бўлмаса ва бунда анча тор ҳаракат оралиғини сақлаш мумкин бўлса, бўлаклар бўйича қатқий эмас.

**18. Транспорт воситаси қачон фақат ўнг четки бўлакда ҳаракатланиши керак?**

1.Оғир вазнли ва йирик ўлчамли юкларни ташишда.
2. Агар ҳайдовчи ўзини бетоб хис этса.
3. Агар ҳаракатланиш вақтида маҳкамланган юк бўшашиб кетса.
4. Транспорт воситаси техникавий сабабларга кўра 40км/соат дан ортиқ тезликда юра олмаса.

**19. Қувиб ўтишда трамвай йўли бўйлаб ҳаракатланишга рухсат этиладими?**

1. Тақиқланади.
2. Агар трамвайга тўсқинлик қилмаса, рухсат этилади.
3. Йўл-йўлакай йўналишдаги трамвай йўллари бўйлаб рухсат этилади.
4. Бунда трамвайга халақит бермаслик керак.

**20. Ахоли яшайдиган жойларда рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан зиёд автомобилларнинг ҳаракатланишига қайси бўлакдан рухсат этилади?**

1. Иложи борича қатнов қисмининг ўнг четига яқин бўлакдан.
2. Бошқа бўлакларда қатнов куп бўлганда исталган бўлакда.
3. Ўрта бўлакда.

**21. Сиз учта бўлаги бўлган икки томонлама ҳаракатли йўл бўйлаб кетаяпсиз. Ўрта бўлакка ўтишга қандай холда рухсат этилади?**

1. Фақат қувиб ўтиш учун.
2. Фақат айланиб ўтиш учун.
3. Фақат чапга бурилиш ёки орқага бурилиш учун.
